



# Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 21 август, № 164 (5079)

Шанба

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

### Кашқадарё вилояти: ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ЯНГИЛАНИШ ЎЛКАСИ



XX асрнинг сўнги ўн йиллигида халқимизнинг асрий орзу-армонлари ушалаб, Ватанимиз мустақилликка эришди. Биз ҳаётимизни тубдан ўзгартириб, уни энг эзгу орзу-мақсадларимиз асосида қайтадан бунёд этишга киришдик.



Хусусан, биз ўз она-еримизни гуллаб-яшнашидек бебаҳо имкониятга ва куч-қудратга эга бўлдик. Жумладан, Кашқадарё вилояти ҳам бугун "водий" деб аталса арзийдиган бир диёрга, мислсиз кенгликлари яшнаб ётган пахтазорларга, галлазорларга, боғу роғларга, қўллар, каналлари сувга тўла бир ўлкага айланди.

Истиқлол йилларида Кашқадарё замини бемисл улкан ҳазина сифатида намён бўлди. Бу замин қаърида нефть ва газнинг катта захиралари ўлаштирилиб, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилдирилди.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган 19 йили мобайнида биргина Кашқадарё заминидан ўнлаб саннат гигантлари дунёга келдики, улар ўз салобати ва ишлаб чиқариш ҳажмига кўра жаҳонда беқис-

дир. Чунотчи, "Таллимаржон" иссиқлик электр станцияси, поёнсиз чўл бағридаги маҳабатли Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Шўртан шахарчаси, "Тошгузар" — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли, Мўборак ва Шўртан ер ости захиралари устида қурилган газ-компрессор станцияси, ҳозирги замон қурилиш индустриясининг бири-бирдан йирик корхоналари... Булар асримиз бунёдкорлигининг улғур намуналаридир.

Кашқадарё худудидида саннатнинг янги ва янги турлари барқ уриб ривож топмоқда. Биргина энгил саннат соҳасини олайлик. Агар яқин бир йилларда бу ердаги саннат ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмида энгил саннат маҳсулоти эришишига 7 фоизини ташкил этган бўлса, бугунга келиб, Кашқадарё кор-

хоналарида, масалан, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилиши ҳажми қисқа вақт ичида 6 мартага кўпайди, қалава иллар ва ип-газлама тайёрлаш 15 фоизга ошди. Кейинги ўн йилда биринчи марта "Сана" акциядорлик жамиятида эркакларнинг бежирим кўйлаги тайёрланиб, бозорга чиқарила бошланди. Ғузур туманидаги "Найман-Э" ва Қарши шаҳридаги "Универсал Камолот текстиль" хусусий корхоналарида 200 миллион сўмлик сармоя эвазига харид қилинган замонавий технологиялар асосида иш ташкил этилиб, эркаклар ва аёлларнинг пайпоқлари чиқарила бошланди. "Cotton road" кўшма корхонасида эса жорий йил бошидан бунёд 2,5 миллион погон метр газлама тайёрланди.



(Давоми 2-бетда).

### Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ:

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири Қувват Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ билан суҳбатлашди.

— **Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини қандай баҳолайсиз, ўзаро муносабатларимизнинг истиқболи ҳақида фикрингиз?**

— Қувват ва Ўзбекистон раҳбарларининг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва халқаро сийёсат масалаларига қарашлари ўхшаш, кўп жиҳатдан ҳамроҳандир. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Қувватга расмий таширифи ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. Ташириф асосидаги учрашувлар икки томонлама муносабатларни барча жаҳалларда ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Ушбу ташириф чоғида ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўплаб келишувларга эришилди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар бор.

Қувват Давлати Амри шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг 2008 йил июль ойида Ўзбекистонга расмий таширифи икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари

юзасидан кенг фикр алмашиш учун яхши имконият бўлди. Ташириф асосида ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳуқуқати билан Қувват араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

— **Айни пайтда амалга оширилган муайян қўшма лойиҳалар ҳақида қисқача тўхталсангиз...**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Қувват араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида яқин ҳамкорлик қарор топган. Бу жамғарма мамлакатимиздаги бешта йирик лойиҳани молиялаштиришда ширик этмокда. "Тўқимачи — Ангрэн" темир йўли линиясини электрлаштириш лойиҳаси улардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати билан Қувват араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида 2009 йилда имзоланган кредит битмига мувофиқ, "Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш" лойиҳасини молиялаш учун кредит ажратилди. Ушбу лойиҳа мавжуд ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ва янгиликларни қуриш орқали мазкур вилоятлардаги сугориладиган экин майдонлари ҳосилдорлигини оширишни кўзда тутди.

(Давоми 2-бетда).

## Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил кўшадиган ой ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

Вилоятимиз пахтакорлари жорий йилда 99,2 минг гектар майдонда ҳар йилдагига нисбатан эртанги ва мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу мақсадда ерга чигитни қадашдан тортиб, ҳозирги кунгача барча агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилди.

Натижада пайкалларда мўлжалдаги ҳосил элементлари тўпланди. Айни кунларда эса пахтачиликда энг муҳим тадбир — ғўза баргини сунвий тўктириш бўйича жиддий тайёргарлик ишлари изчил амалга ошириляпти. Гап шундаки, мавжуд пахта майдонларининг 81 минг гектарига 31 августдан 9 сентябргача дефолиациялашни сифатли ташкил этиш режалаштирилган.

2462 та фермер хўжалиги далаларида ана шу тадбирнинг ҳар томонлама кўнгилдагидек амалга оширилишини таъминлаш ниятида 159 та отряд тўзилди. Бу отрядларга 641 нафар ишчи-хизматчи жалб этилди. Улар 229 та ОВХ пурақачи, 1474 та кўл аппаратидан фойдаланишди. Бундан ташқари, махсус эритма ташувчи 175 та техника, 3 та аэродром мавсумга шай қилиб кўйилди.

Тажибадан аёнки, дефолиациялашнинг ўз вақтида, сифатли ўтказилиши пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни ёгин-

ни десикация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шундай қилинганда, ер усти аппаратлари ва мосламаларининг иш унуми самарали бўлади. Башарти, ўқариқлар кўмилмаган бўлса, пурақач ва мосламаларнинг далага киритилиши таққиланди.

Шу билан бирга, дефолиациялашнинг сифати туپроқдаги намликнинг миқдорига бевосита боглиқлигини ҳам унутмаслик керак. Бу дегани — намлик 60-65 фоиз бўлиши зарур. Ундан кам бўлса, ғўза концентрацияси ортиши сабабли, дефолиантлар барга сингиши сусаяди. Намлик даражаси 70

фоиздан юқори бўлганда эса, аксинча, дефолиантнинг самараси камаяди. Агар шундай ҳолат кузатилса, яъни намлик 60 фоиздан кам бўлса, дала зудлик билан энгил сугорилди, 70 фоиздан юқори бўлганда эса, дефолиация ўтказиш тавсия этилмади. Мазкур тадбирнинг яна бир муҳим шартин мақбул ҳаво ҳарорати ҳисоблана-

ди. Кўп йиллик кузатувларга кўра, хлорат магний, садаф каби дефолиантлар учун ҳарорат 17 даражадан юқори, юмшоқ таъсир этувчи дропп-ультра, авгурон каби дефолиантлар учун эса ўртача 22-25 даража бўлиши лозим. Ана шу кўрсаткич паст бўлган тақдирда, дефолиантлар яхши самара бермайди. Мабодо, дефолиация қилингандан кейин ҳаво ҳарорати бирмунча пасайса ёки ёғин-соқин бўлса, у ҳолда, бу тадбир қайтадан ўтказилиши зарур.

Шулардан келиб чиқиб, вилоятимизда ҳар бир туманининг туپроқ-иклим шароитини, ғўза навининг биологик хусусиятини ва кўсакнинг етилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, бу йил эрта баҳорда чигит экилган майдонларда ғўза 60-65 фоиз, кейинги муддатларда уруғ қадалган ерларда 45-50 фоиз очилгандан сўнг дефолиациялашни бошлашни мўлжаллаб турибмиз. Бу, ишончимиз комилки, ўз натижасини кўрсатади. Зеро, пахта ҳосилининг даладагисига эмас, хирмондагисига ҳисоб.

**Хусниддин ЖҲУРАЕВ,** Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қурувчи ва энергетиклари томонидан муносиб тўхфа тайёрланди.

**Аграр соҳа учун энергия қувватлари**  
Тошкент вилоятидаги Охангарон сув омбори қошида кичик гидроэлектростанция ишга туширилди. Бу ерга ўрнатилган иккита гидроагрегат қуввати 21 мегаваттни ташкил қилади. Шунингдек, суткасига қарий бир миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир кичик ГЭС ишга туширилиш арафасида. У Кашқадарё вилоятининг Ҳисор сув омборига қуйилувчи Оксув дарёсида қурилди.

**ФАРФОНА.** Ғурак туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича ишлаб чиқилган худудий дастур доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1834 та янги иш ўрни яратилди.

**Бандлик — фаровонлик кафолати**  
Хусусан, ўз фаолиятини кенгайтириш ҳисобига "Ғурак текстиль" корхонасида 310 та, "Ингичка қурилиш монтаж" корхонасида 20 та, "Мафтунабону орзуси" хусусий корхонасида 12 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**СУРХОНДАРЁ.** "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ажратилган бир миллиард сўмлик кредит "Сурхон комбинати" масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий қийинчиликлардан чиқиб кетишига катта тўртки берди.

**Қўшимча 50 та иш ўрни**

Тўхтаб қолган дастгоҳлар қайта ҳаракатга келтирилиши ҳисобига ўтган ярим йил мобайнида тўрт ярим миллиард сўмлик юқори босимли темир-бетон қувурлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, комбинат ўз фаолиятини кенгайтириб, дон ва мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган янги технологик линияларни ишга тушириш арафасида. Ушбу тармоқлар фойдаланишга топширилгач, бу ерда яна 50 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Бир рақам шарҳи** Жорий йилнинг биринчи ярмида "Ангрэн" логистика маркази ёлқ акциядорлик жамиятининг махсус машиналари орқали қарий **2** миллион тонна юк ташилди.

**ЮК МАНЗИЛГА ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛМОҚДА**  
Ангрэн шаҳрида янги ташкил қилинган мазкур марказда транспорт-экспедиция, юклаш-тушириш ва юкларни сақлаш хизматлари кўрсатишни сезиларли даражада жадаллаштириш тўғрисида ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

## СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бош қарган мазкур йиғилишда никоҳланувчи ёшлар ва болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, оналарнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, тиббий муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, болалар спортини ривожлантириш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бу борада қишлоқ жойларида яратилган шарт-шароитлар аҳоли ҳамда ушбу масала юзасидан Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Ишчилик ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида сўнги бир ярим йил мобайнида республикада 277 та, шу жумладан, қишлоқларда 222 та янги спорт иншооти

Йиғилишда республикада аналик ва болалик-

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлиси олдида

“Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган.

ҳолда ўтказилган лотерея, танлов ва бошқа тадбирларни реклама қилишни тартибга солувчи қўшимчалар билан тўлдирилмоқда. Киритилган қўшимча товар

тибда қабул қилади”, деган маънодаги жумла билан тўлдирилмоқда. Айни чоғда, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар рекламасига бағишланган 23-модда янги тахрирда

алларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаслик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

РЕКЛАМА ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА МУКАММАЛЛАШАДИ

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун номақбул ва яширин реклама тарқатиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, давлат ва жамият манфаатларига мос келмайдиган рекламалар олдини олиш, реклама материалларини тарқатишда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ меъёриларига риоя қилинишини таъминлаш, шу-

нингдек, рекламаси қонунчилик билан тақиқланган товар ва хизматларни реклама қилиш ҳамда ташқи рекламани жойлаштириш тартибининг бузилиши учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Амалдаги Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисми ахборот маъмурий бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки реклама истеъмолчиларини жалғатадиган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш, шунингдек, ташқиловчи, ўтказиш муддати, совринлар миқдори ва уларни олиш жойи, тартиби кўрсатилмаган

белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиниши тақиқланган маҳсулотни ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотни ҳамда товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулот рекламаси кўринишида реклама қилиниши ҳам тартибга солади.

Бундан ташқари, ҳужжатнинг 14-моддаси “Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

баён этилмоқда. Шунингдек, реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ҳақидаги 29-моддага ҳам ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, нотўғри реклама берилган, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатидан бажармаслик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаслик, реклама ахборотиغا тааллуқли ҳужжатлар ва матери-

алар учун мақбул усуллари н излашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида илгари сурган таклифи, яъни Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий куч ишлатиш билан ечиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қўшни мамлакатлар ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари билан иборат «6+3» мулоқот гуруҳини шакллантириш зарурлиги бора-сидаги фикрлари ниҳоятда тўғри эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини истиқлол байрами билан муборакбод этанам, мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашини тилаймиз.

Светлана ОРТИҚОВА, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қурилганлиги, 208 та спорт иншооти капитал таъмирланганлиги, 157 таси реконструкция қилинганлиги, уларда умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқувчиларининг мунтазам спорт билан шугулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидланди.

Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, улар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, бу борада ташxis-даволаш ишларини самарали ташқи олиш, туғма нуқсонли ва ногирон болаларни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан ҳудудий комиссиялар томонидан солиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, йилги солиқни сақлаш муассасалари томонидан ниҳонланувчи ёшлар ва болаларнинг соғлигини сақлаш мақсадаги ишлари бора-бора кенг қўламли шаклда амалга оширилганлиги таъкидланди.

Озод юртнинг обод уйлари

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги “Қилчинок” овул фуқаролар йиғини ҳудудда янгида намунавий лойиҳалар асосида қурилган йиғирмата янги уй-жой ўз эгаларига топширилган эди.

Янги гузар барпо этилди

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида, бу ерда янги тураржойлар тизими бирга, аҳоли учун қўлайликлар яратишга, ҳусусан, хизмат кўрсатиш мажмуаларини бунёд этишга киришилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамига пухта тарафдор бўлишдан шу кунларда қишлоқ аҳолиси учун янги гузар мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий мажмуада озик-овқат дўкони, тегиримон, макарон чеҳи, суратхона, пойабзал тузатиш устaxonаси, сартарoхoна, “Paynet” шoхoбчaси ҳамда тикувчилик чeҳи иш бoшлaди.

А. ОРТИҚОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ: ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Сухбатимиз Мустақиллик байрами арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг самаралари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мамлакатингиздаги фаолиятимиз давомидики барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлмоқдаман. Шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор

қаратилаётган: йўллар кенгайтирилиб, қўпубай янги мухташам иншоотлар барпо этилмоқда, муқаддас қадимжолар таъмирланмоқда. Ўзбекистонда ажодлардан қолган илмий, маданий ва маънавий мерос чуқур эҳтиром билан ўрганилиши ҳамда қадрланишидан ўрнатилса, арзийди.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат иқтисодий ривожлантиришнинг энг тўғри йўлини танлаган. Мамлакатингиз иқтисодиётида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар

ва эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир. Юртингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури нечоғли самарадор эканини мамлакатда иқтисодий бўҳрон таъсири сезилмаётганидан ҳам билиш мумкин.

— Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни мухташамлаш борасидаги саясат ҳақидаги фикрингиз?

— Халқаро сийосатда Ўзбекистоннинг геостратегия ва геосийсий жойлашувига ўта муҳим омил сифатида қаралади. Айни пайтда Ўзбекистон узоқ йиллардан қўб уруш гирдобида бўлиб келаётган Афғонистон билан чегарадош мамлакат сифатида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликнинг қафолати ҳам бўлган давлатдир. Афғон муаммосини бартараф этишнинг ягона йўли, Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорлик эришишга доир муаммолар ечимини тинч ва барча томон-

лар учун мақбул усуллари н излашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида илгари сурган таклифи, яъни Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий куч ишлатиш билан ечиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қўшни мамлакатлар ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари билан иборат «6+3» мулоқот гуруҳини шакллантириш зарурлиги бора-сидаги фикрлари ниҳоятда тўғри эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини истиқлол байрами билан муборакбод этанам, мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашини тилаймиз.

Мадина УМАРОВА, суҳбатлашди.

АГРАР СОҶА УЧУН ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИ

риш Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ҳамда фойдаланилаётган сув ҳўжалиги объектларида гидроэнергетик усуналарни қуриш давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган мақсад Ўзбекистондаги дарёлар, очик сув оқимлари гидроэнергетик санохияти ва гидротехник иншоотлардан самарали фойдаланишидир.

Охангарон сув омборидаги янги энергетик объект ҳозирдаёқ 300 миллион кВт/соатдан зиёд экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаради. Унинг икки агрегати ишга туширилиши Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги энергия тизими санохиятини йилга 66,5 миллион кВт/соатга ошириди. Қашқадарёдаги ГЭС, асосан, Шаҳрисабз, Китоб ва Яқабоб туманларида экиладиган бошқа иштинларни парварилаш даврида ишлатилади.

Иккита янги ГЭСнинг ишга туширилиши билан фойдаланилаётган сув омборларида юқори босимли гидроэлектростанцияларни қуришга доир дастурнинг биринчи босқичи якулланади. Ҳозир Андижон, Туюмйин, Тўпаланг ва Уругтади кичик ГЭСлар сув оқимларидан энергия ишлаб чиқармоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги гидроэлектростанцияларининг умумий қуввати 323 мегаваттга ташқи килади. Янги энергия иншоотларининг ишга туширилиши билан бу кўрсаткич 439 мегаваттга ошади.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.



Қашқадарё вилояти: ЮКСАК САЛОҶИЯТ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тўб ўзгаришлар юз бермоқда. Фақат жорий йилнинг ўзида шаҳар ва туман марказларида аҳоли огирини енгил қилиб, унга турли-туман хизматлари кўрсатадиган 558 та янги корхона очилди. Соҳани ривожлантириш борасида қўрилган самарали чора-тадбирлар натижасида ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 16 фоизга ортиди. Хизмат кўрсатиш тизимининг инфратузилмалари ва моддий-техник базаси тобора янгилашиб, замонавийлаштириб борилмоқдаки, бунинг натижасида хизмат сифати кун сайин яхшиланмоқда.

Қашқадарёнинг бой энергетик ва моддий хом ашё ресурслари ҳамда минтақада ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилмаларнинг жадал ўсиб, кенгайиб бориши инвестициялар оқимининг йилдан-йилга қўлайлишига омил бўлмоқда. Фақат ўтган ярим йил ичида минтақада 133 миллиард сўмлик инвестиция, шу жумладан, 128 миллиард сўмлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилиб, улар вилоятдаги саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Худди шу инвестициялар манбаида 360 та янги корхона ва ташқилов очилди, 49 та завод-фабрика техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Натихада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошмоқда. Чунонки, шу ярим йил мобайнида вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 1,5 баробарга, кимёвий ва нефть-кимё тармоқларидаги ишлаб чиқариш 1,6 баробарга, чорва озукасига ҳажми 1,2 баробарга қўлайди. Умумий рақамлар билан айтиладиган бўлса, ҳисобот даврида минтақада 2,2 триллион сўмлик ҳамда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 30 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташқи этилди.

Шуниси эътиборлики, янги қуравлар фақат шаҳарлардагина эмас, балки туманлар марказлари ва бевосита қишлоқ жойларда ҳам қўпубай ташқи этилмоқда. Мисол учун, Миришкор туманида илгари биронта ҳам саноат корхонаси йўқ эди. Жорий йилнинг ўзида эса турли-туман хизматлари кўрсатадиган 558 та янги корхона очилди. Андижон вилоятга қайта ишлаш заводининг унвир корхонаси ўз зиммасига олди. Жорий йилда юқорида тилда олинган Гулшан қишлоқидан ташқари, вилоятда яна 50 та қишлоқ аҳолиси ҳам ичимлик суви

билан таъминланади. Мустақиллик даврида вилоятда авж олган бунёдкорлик фаолиятининг яна бир далили сифатида, Қарши қўлининг бир четида жойлашган Фузор туманига қарашли Дашнобод қишлоғида кейинги йилларда юз берган ўзгаришларни завқланиб эсласак, арзийди. Бу қишлоқ зирот ва деҳқончиликда энг паст кўрсаткичларнинг ачинарли мисоли бўлиб келарди. Масалан, 2004 йилда бу ерда гектар бошига 15 центнердан пaxта ва 20 центнердан галла олинди. Қишлоқда аҳоли қўқ-қуруқ дашта пасткам, пахса деворли, ҳовлиси, зиротисиз қўққайган уйларида яшар эди. Қишлоқдаги 78-мактаб ҳеч бир мактабга ўхшамасди...

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқларда ҳаётини ўзгариштириш мақсадида бошланган ва тобора ривожлантирилаётган ҳаётбахш ислохотлар натижада Дашнобод ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Бу ерда, ҳатто, далалар бошида фермерлар томонидан қурилаётган шийонлар ҳам хорижий бизнесменларнинг виللаларидан қилинмайдими. Мисол учун “Шоймардон бобо Пулат ўғли” фермер ҳўжалиги оқиб қўрайлик. Шийон икки қаватли қилиб қурилган, унда фермернинг иш кабинетидан ташқари, меҳмонхона, ошона, даш ва бошқа хизмат хоналари мавжуд. Ташқи қўриғини мухташам қoшoнага ўхшади.

маҳсулотнинг атиги 20 фоизини ташқи этарди. 180 дан зиёд қишлоқларда ичимлик суви йўқ, гарчи мамлакатдаги газнинг 80 фоизи шу минтақа бағридан олинсада, вилоят шаҳарларидаги аҳолининг атиги 17 фоизигина газ билан таъминланган эди, қишлоқ аҳолисининг эса, бор-йўғи, 4 фоиз газдан фойдаланарди, ҳолос.

Бугунга келиб, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва ўзгаришлар таъсирида вилоятда бу борада аҳвол тўдан ўзгарди. Шу маънода, сўнгги пайтларда юз берган ўзгаришларга бир назар ташлайлик. Фақат шу ёз ойларининг ўзида, масалан, Муборак туманида 4 километрлик ичимлик суви қуварлари ётиқзил-

раҳнамолигида қишлоқларда ҳаётини ўзгариштириш мақсадида бошланган ва тобора ривожлантирилаётган ҳаётбахш ислохотлар натижада Дашнобод ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Бу ерда, ҳатто, далалар бошида фермерлар томонидан қурилаётган шийонлар ҳам хорижий бизнесменларнинг виллаларидан қилинмайдими. Мисол учун “Шоймардон бобо Пулат ўғли” фермер ҳўжалиги оқиб қўрайлик. Шийон икки қаватли қилиб қурилган, унда фермернинг иш кабинетидан ташқари, меҳмонхона, ошона, даш ва бошқа хизмат хоналари мавжуд. Ташқи қўриғини мухташам қoшoнага ўхшади.

Опти йил аввал ташқи топган

Булар мустақиллигимиз меваларидир. Бугун ҳатто қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Ҳозир деярли ҳар бир қишлоқда тижорат банкларнинг филиаллари, ёнилий-молийш материаллари, минерал ўғитлар, чорва озукаси сотадиған дўконлар, машина-трактор парклари ва бошқа хизматлар ташқи этилмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун булар катта замонавий қўлайликлардир. Бунинг устига, ҳар бир хонадонда автомобиль, замонавий маиший рўзгор техникалари... Фермер ҳўжалигимиз банкдан кредит олиб, мева шарбатлари тайёрлайдиган минигтехнология ўрнатди. Энди болалар спорт мажмуаси, иссиқхона, автомобилларга сервис хизмати кўрсатадиган стан-


халқаро микёсдаги спорт бахсларида улкан ютуқларни қўлга киритаётган вилоят спортчиларининг янги авлодини тарбиялаб етиштирмоқда.

— Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида аҳоли спорт билан чинакам шугулланиши учун барча шарт-шароитлар мўжайиб этилган. Бу ерда, ҳатто, хотин-қизлар футболу каби спорт турлари ҳам хавақ қиларли даражада ривожланмоқда, — дейди мамлакатимизга ташқи буюрган ФИФА расмий вакили Моника Штaбб хoним. — Мен Қарши шаҳрининг хотин-қизлар футболу ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларини ўтказадиган шарт-шароитларга эга эканлигига шахсан гувоҳ бўлдим. Бу ерда ўнлаб замонавий спорт иншоотлари бунёд этилиб, улар жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланган. Мазкур шаҳар қўлай, қўркам меҳмонхоналарга, мафтункор ижтимоий-маиший ва маданий даргоҳларга эга. Шунингдек, у нодир тарихий ёдгорликлари билан ҳам ажралиб туради. Менинг назаримда, Ўзбекистон жаҳонда спортга, ёшларни жисмоний баркамол этиб тарбиялашга жуда катта эътибор қаратаётган камдан-кам давлатлардан биридир. Бу мамлакат ўз ёшларининг салоҳияти ва имкониятларини тўла-тўқис юзага чиқариш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Воҳадаги ўзгаришлар тўғрисида сўзлар эканмиз, халқ соғлигини сақлашдек ижтимоий ҳаётнинг муҳим бир соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида ҳам қисқача тўхталсак, ўринли бўлар. Фақат жорий йилнинг ўзида минтақадаги тиббий муассасалар моддий-техник базасини янада ривожлантириш мақсади учун давлат бюджетидан 2,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Мана шу маблағлар ҳисобидан минтақада вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказининг тарағия бўлими учун 60 ўринга мўқалланган янги бунёд қурилди. Вилоят руҳий-асаб хасталиқлари диспансери ҳамда ОИТСга қарши кураш марказининг бизнеси тўдан таъмирланиб, 80 ўринли янги бунёд қуриб берилди. Бундан ташқари, ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари қайта таъмирланди, моддий-техник базаси мустақамланмоқда. Ҳузор тумани марказида янги замонавий туғуруқхона бизнеси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу туманда вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг филиали қуриб битказилиш арафасида. Булардан ташқари, вилоятда яна 8 та йирик соғлиқни сақлаш объекти қурилиши учун қўшимча 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ватанимизда бундан саккиз йил аввал Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташқи этилган эди. Шундан кейин ўтган қисқа муддат мобайнида, жумладан, Қашқадарё вилоятида 10 та йирик спорт мажмуаси, 200 дан зиёд турли хил спорт иншоотлари барпо этилди. Энг замонавий даражада жиҳозланган, юқори малакали тренерлар ва методистлар билан мустақамланган бу спорт қoшoналари бугунги кунга келиб, республика ва

этилган эди. Шундан кейин ўтган қисқа муддат мобайнида, жумладан, Қашқадарё вилоятида 10 та йирик спорт мажмуаси, 200 дан зиёд турли хил спорт иншоотлари барпо этилди. Энг замонавий даражада жиҳозланган, юқори малакали тренерлар ва методистлар билан мустақамланган бу спорт қoшoналари бугунги кунга келиб, республика ва



билан таъминланади. Мустақиллик даврида вилоятда авж олган бунёдкорлик фаолиятининг яна бир далили сифатида, Қарши қўлининг бир четида жойлашган Фузор туманига қарашли Дашнобод қишлоғида кейинги йилларда юз берган ўзгаришларни завқланиб эсласак, арзийди. Бу қишлоқ зирот ва деҳқончиликда энг паст кўрсаткичларнинг ачинарли мисоли бўлиб келарди. Масалан, 2004 йилда бу ерда гектар бошига 15 центнердан пaxта ва 20 центнердан галла олинди. Қишлоқда аҳоли қўқ-қуруқ дашта пасткам, пахса деворли, ҳовлиси, зиротисиз қўққайган уйларида яшар эди. Қишлоқдаги 78-мактаб ҳеч бир мактабга ўхшамасди...

галла, чорва озукаси, мева-сабзаов ва узум етиштирилмоқда. — Минтақада, умуман, мамлакатимизда Юрбошимиз ташаббуси билан ва бевосита раҳнамоликларидан олиб борилаётган ислохотлар, ўз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар одамлар қалбига қўтаринки кайфият, эртанги кунга, болаларимиз ва набираларимиз келажакга катта ишонч ўйотмоқда, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Файрат Пулатов. — Мамлакатнинг бугунги манзарасига бир назар ташланг: мафтункор боллар ва хиббонлар, замонавий автоматраллар, қишлоқларимизда турнақор бўлиб қўб ростлаётган чиройли замонавий уй-жойлар, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар...

Аъзам АЛИҚУЛОВ, Микля САФАРОВ.

# ЖАҲОН


24 соат ичида

## Бирлашган — ўзар

Дунёга машҳур "MasterCard" (АҚШ) корпорацияси электрон савдо билан шуғулланадиган "DataCash" (Буюк Британия) компаниясини сотиб олди.

Ушбу хариднинг нархи 400 млн. евро деб эълон қилинди. Экспертларнинг изоҳлашича, ташкилот шу орқали

Осиё, Европа ва Австралиядаги электрон тижорат соҳасидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олмақчи.



Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритиб келаётган "Intel" корпорацияси эса компьютер хавфсизлигини таъминлаш йўналиши вакили "McAfee" компаниясини ўз таркибига қўшиб олди. Шартнома қиймати 7,68 млрд. АҚШ долларига тенг эканлиги айтилмоқда.

"McAfee"га 1987 йилда асос солинган бўлиб, у вирусга қарши ишончли дастурлари билан танилган. Ушбу ташкилот ўтган йилни 2 млрд. долларлик даромад билан якунлаганди.

## Қарз узиш мақсадида

АҚШнинг "General Motors" компанияси қайта ташкил этилгандан сўнг биринчи марта ўз акцияларини Нью-Йорк ва Торонто биржаларига чиқарди.

Ташкилот мутасаддилари шу орқали давлат олдиданги 50 млрд. долларлик қарзини тезлаштиришдан умидвор. Бошқача қилиб айтганда, қимматбаҳо қоғозлардан 20 млрд. доллар маблағ келиб тушиши мақсад қилинган.

## Ўнгланиш бор

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги тикланиш жараёни аста-секин давом этмоқда.

Буни Даниянинг транспорт-логистика компанияси "Moller-Maersk" мисолида ҳам кўриш мумкин. У ўтган олти ой мобайнида юк ташиш ҳажмини ошириш орқали 1,8 млрд. АҚШ доллари миқдорига

соф фойда олди. Вахолонки, мазкур компания ўтган йилнинг шу даврини камомад билан якунлаганди. Эндиги мақсад — йил охиригача даромад миқдорини янада оширишдан иборат.

## Дизайни ўзига хос

"Chrysler" концерни "Jeep Wrangler" русумидаги автомобилларнинг янги авлодини эълон қилди.

Замонавий интерьер, ўзига хос дизайн, илгор овоз ҳимояси тизими мазкур автомобилга янги афзаллик бағишлаган.



Ушбу автомобилнинг мотори 3,8 литрли "Pentastar" двигатели билан жиҳозланган.

## Семиз ҳайдовчилар дарди

Маълумки, АҚШда семирб кетиш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳайдовчилар орасида ҳам вазни оғирлар кўпчиликини ташкил этади. Бу эса пикап ва "Жип" русумидаги, салони кенг автомобилларга нисбатан талабнинг тобора ошишига сабаб бўлаётди. Олиб борилган тадқиқотларда ай-

тилишича, мамлакатда семиршидан азият чекаётганлар 2009 йилда 2007 йилдагига нисбатан 1,1 фоиз (2,4 млн. нафар)га ортган. Шунга мос равишда йирик "пулат тулпор"лар хариди 2009 йилга келиб, 40 фоизга кўпайган.

## Бойитилган луғат

"Инглиз тилининг Оксфорд луғати" таркиби янги сўзлар билан бойитилди.



Улардан бири барча футбол муҳлисига анча яхши маълум мусиқа асбоби — "вувузела"дир. Яна бири япон тилидан олинган "hikikomori" бўлиб, у жамиятдан қочиб, ёлғизликка берилган ўсмирларга нисбатан қўлланилади.

Умуман олганда, асл номи "Oxford Dictionary of English" бўлган китобнинг янги нашрига қарий икки мингта лексик бирлик киритилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## Барча улгуржи дори-дармон компаниялари диққатига!

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

амбулатория-поликлиника хизмати учун дори воситалари, реактивлар ва тиббий анжомларни марказлашган ҳолда харид қилиш учун тендер эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш истагидаги компаниялар 2010 йил 10 сентябрь соат 18.00 гача қуйидаги факслар орқали хабар бериши мумкин: (+99871) 250-40-56, 250-29-81, 250-29-75.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 7-«А» уй. Виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тендер хайъати. Телефонлар: (+99871) 250-40-56, 250-29-81.

## «Кредит-Стандарт» банки

қурилиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган компаниялар ўртасида Бухоро шаҳридаги бинони «Кредит-Стандарт» ОАТБ филиали учун реконструкция қилиш бўйича тендер ўтказилиши вақтинчалик тўхтатилишини маълум қилади.

«Кредит-Стандарт» ОАТБ раҳбарияти.

Жаҳонда кичик бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, улар иқтисодийётида айнан мазкур соҳа муҳим ўрин тутушига гувоҳ бўласиз. Масалан, Европа ҳамда Осиёнинг аксарият давлатларида ушбу бўғинга нисбатан «оилавий бизнес» атамаси ҳам ишлатилади. Ана шу бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бугун 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётгани кўп нарсани аңлатади.

# КИЧИК БИЗНЕС — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Оилавий бизнес деганда, мўъжаз ошхона ёки ресторан, мехмонхона, ишлаб чиқариш корхоналари, сервис соҳаси, молиявий хизматлар ва бошқа шу каби қатор фаолият турлари назарда тутилади. Бу тармоқларнинг қайси бири иқтисодий ривожига кўпроқ наф келтирса, унинг янада кенг-роқ қўл очиб бериш учун давлат томонидан шунча кўпроқ имкониятлар яратиб берилди. Яъни солиқ тўловларида, кредит олишда, маҳсулотларни ташки бозорга сотишда имтиёзлар жорий этилади. Мана шундай қўллаб-қувватлашлар натижасида биргина Германияда мавжуд иш ўринларининг 70 фоиздан кўпроги кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши эса 57 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Келинг, бу борадаги фикрларимизни «кўҳна қитъа» давлатларидан кўра, бизга кўпроқ яқин бўлган Осиё вақиллари мисолида давом эттирсак.

Хитой — қитъамиздаги энг илгор, жаҳон иқтисодийётида ҳам салмоқли ўринга эга мамлакатлардан бири саналади. Мазкур давлатда кичик бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Жумладан, ҳукумат шу йўналишга ихтисослаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилган. Мамлакат иқтисодийётини 2050 йилгача тўла модернизациялаш юзасидан белгилаб олинган махсус дастурда ҳам ушбу бўғин тараққийётига алоҳида эътибор қаратилган. Солиқ тушумланининг таъминан яъни ҳамда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вақиллари улушига тўғри келаётгани бу соҳанинг бугунги кундаги мавқеини кўрсатади.

Хитойда кичик бизнеснинг раванқ топишда мамлакат Тараққийёт ва ислохотларни амалга ошириш миллий комиссияси катта роль ўйнайди. У ҳукумат томонидан муҳим қарорлар қабул қилинишида ташаббус кўрсатади, қолаверса, кичик корхоналар фаолияти ҳақидаги статистик маълумотларни тўплаб боради.

Тадбиркорликка эндигина кириб келаётганлар учун ҳам эътибор юқори. Хусусан, интернет тизимида яратилган махсус сайтлар, электрон кутубхоналар, хитойлик ва жаҳонда таниқли бўлган мутахассислар иштирокида вебинар (интернет семинар) ва видеоконференциялар ташкил этиш кичик



Таҳлил ва таққос

бизнесга қўл ураётганларга катта тажриба мактаби вазифини ўтаб беради...

Яна бир мисол. "CNN Time Warner Group" таҳлил гуруҳи томонидан тузилган рўйхатда Сингапур давлати кичик бизнесни ривожлантириш бўйича дунёда бешинчи ўринда туриши қайд этилган. Хўш, ушбу мамлакатнинг бундай мавқега эришиши асослари нимада? Айтиш жоизки, мамлакатда кичик ва ўрта бизнес икки тоифага бўлинади. Биринчиси ресторан, мехмонхона, туризм, қурилиш ва бошқа хизмат турлари билан шуғулланувчилар бўлса, иккинчиси ишлаб чиқариш ҳамда инновацион лойиҳалар яратиш билан банд кишилардир. Дастлабки тоифага кирувчи туризмдаги бир жиҳатни мисол қилиб келтирсак. Хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишда белгилаб олинган стандартларга қатъий риоя қилинганлиги боис мамлакатга ҳар йили қарийб 6 млн. нафар атрофида хорижий меҳмонлар ташрифи бў-

юраркан. Бу иқтисодийёта яшиғина даромад дегани, албатта.

Умуман, бугунги кунда Сингапурда 140 мингта яқин кичик ва ўрта корхоналар фаолият юритмоқда. Бу мавжуд барча корхоналарнинг 90 фоизи демаққидир. Албатта, бундай муваффақиятга давлат кўмагисиз эришиб бўлмайти. Сингапур ҳукумати кичик ва ўрта бизнес ривожига катта эътибор беради. Ушбу мақсадда "Spring"

йирик ташкилотлар қарамоғига ўтиб кетишга мажбур бўдилар.

Йирик бизнес фаолияти алаҳқибат молиявий инқирозни келтириб чиқарди. Гап шундаки, улар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун катта миқдордаги инвестицияларга эҳтиёжманд бўлиб қолди. Бу эса банк ресурсларидан фавқуллодда кўп миқдорда фойдаланишга олиб келди. 1997 йилга келиб, молия муассасала-

ЯИМ ҳажмини ошириш имконини берди...

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидаёқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга энг муҳим устувор вазибалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувини чеклаш, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, уларга молиявий кўмак, қўшмача солиқ имтиёзлари бериш каби қатор қўлайликлар шулар жумласидандир. Президентимиз ҳар бир қишларда иқтисодийётимиз ривожига хусусий секторнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлаб, уларни қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини қайд этадилар. Жумладан, Юртбошимиз ўз маърузаларидан бирида қуйидаги фикрни билдирган эдилар: "Мамлакатимиз келажигини белгилаб берадиган бу тоифа вақилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакики, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодийётининг раванқи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олинлар".

Мана шундай оқилона сиёсат ва муносабат бугун ўз самараларини бермоқда. Эътибор қилинг: агарда 2007 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 48,2 фоизга, ўтган йил якунлари бўйича эса қарийб 50 фоизга етди. Холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоиз эди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур соҳада эришилган муваффақиятлар ҳам айтишга арзиғулик. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қўрилган самарали чоралар туфайли 2010 йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер ҳўжаликларини ҳисобга олмганда) 3,7 фоиз кўпайди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар ошди. Натижада жорий йилнинг ўтган олти ойида кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 16,7 фоиз, бандликда 74 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 122,1 фоизни ташкил этди ва бу саноат тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Яқинда Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашётган микрофирмалар ва кичик корхоналарни рағбатлантиришни назарда тутди. Фармонда уларга кенг имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар белгилаб берилган. Хулоса қилиб айтганда, ушбу сай-ҳаракатлар ва эришилаётган муваффақиятларнинг барчаси халқимиз манфаатларига, унинг фаровон келажигига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шавкат ОРТИҚОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улғу ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга сизларни чорлаймиз.

### Тошкент шаҳрида:

«ТУРОН» ОАЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ЧИНОБОД» ОАЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар.

### Тошкент вилоятида:

«БОТАНИКА» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.

«ОҚТОШ» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### Бухоро шаҳрида:

«СИТОРАН МОҲИ ХОССА» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

### Жиззах вилоятида:

«ЗОМИН» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### Қашқадарё вилоятида:

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОКИ» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### Наманган вилоятида:

«ЧОРТОҚ» ОАЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

### Самарқанд вилоятида:

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### Фарғона вилоятида:

«ЧИМЁН» МЧЖ санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### Хоразм вилоятида:

«ХОНҚА» санаторийсига Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари. Даволаниш муддати — 14 кун.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда энг арзон курортлардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нарҳида сотилади. Шу билан бирга, Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш маҳалларига, шунингдек, МДХдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-85-68, 256-70-97.

Чанг ва губор бўлмаса, инсон минг йил умр кўриши мумкин, деган экан Абу Али ибн Сино. Чиндан ҳам, инсон саломатлиги ва ҳаёт давомийлиги бевосита атроф-муҳит мусоффолигига боғлиқ. Шу маънода, ҳаётимиз манбаи — тоза ҳавони ифлослантмаслик шу заминда ишга тутиш зарур. Бунга беҳадфасала бўлиш ўзи ўтирган дарахт шохига болта уриш билан баробардир.

лантирувчи моддаларини камай-тиришга қаратилган асосий тадбирлардан бири транспорт воситаларини муқобил ёнилги турига ўтказишдир, — дейди Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

ган ва сиқилган газга босқич-ма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни жадаллаштириб юборди. Нега деганда, мазкур ҳужжатда 2007 — 2012 йилларда 188 мингта автомобилни муқобил ёнилгига ўтказиш белгилаб берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги “2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури”да ҳам мазкур тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Хусусан, биргина ушбу Дастур доирасида 40,95 минг донга машина экологик тоза ёнилги билан ишлашга мослаштирилган эътиборга моликдир. Натижада атмосферага ташланадиган зарарли моддалар ҳажми 24,05 минг тоннага камайди.

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН НАШР

Маълумки, ҳозирги кунда экологиянинг глобал даражада ёмонлашуви жаҳон ҳамжамиятини уйлантирадиган муаммоларни юзага чиқармоқда. Натижада атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаёт манбаи ҳисобланмиш биохимла-хилликини сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш сингари вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, бундай муаммолар дунё олимлари мухтаassisларини ташвишлантирмоқда. Шу боис кейинги йилларда ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида жаҳон миқёсида катта куч-ғайрат ва маблағ сарфланмоқда. Экологик мавзуга бағишланган кўплаб уршув ва анжуманлар ташкил этилаётти.

Экологик муаммоларнинг келиб чиқиши эса бевосита инсоният фаолияти билан боғлиқ. Шундай экан, бунда килишга оид ўн бешта илмий-оммабоп китоб ёш авлодни атроф-муҳитни асраб-авайлашга даъват этиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг табиатга бўлган муносабатини янада яхшилаш самарали чоралардан бири ҳисобланади.

“Экология хабарномаси — Экологический вестник” журнали, мана, ун беш йилдирки, юртимиз аҳолисининг бу борадаги билим ва тушунарларини бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Поитаҳтимизда мазкур нашр фаолиятининг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда “Чинор ЭНК” экологик нашриёт компанияси билан ҳамкорликда “Мактабдан ташқари таълим” номли журналнинг таъсис этилиши, шунингдек, махсус сайтнинг ишга туширилгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Тадбирда шулар ҳақида маълумотлар берилиши баробарида, табиат муҳофазасини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ.

# «ТЕМИР ТУЛПОР»ЛАР «ЧАНГИ»

## атроф-муҳит мусоффолигига путур етказмасин

Экологларнинг таъкидлашича, атмосфера ҳавосига фан-техника тараққиёти маҳсуллари, айниқса, “темир тулпор”ларнинг таъсири катта бўлмоқда. Гап шундаки, дунё шаҳарларида кескин кўпайиб бораётган автомобиллар ҳаво софлигига путур етказувчи асосий манбага айланиб қолди. Аммо, шундай бўлса-да, атмосфера ҳавосини булғамасликка унинг тозаланиши сақлашга ҳамма жойда ҳам эътибор етарли даражада эмаслиги ачинарлидир.



Мушоҳада

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантувчи манбаларни камайтириш масалаларига давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мустақиллик йилларида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, уларнинг изчил ижроси бўйича қатъий назорат ўрнатилгани, айниқса, қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, юртимизда ҳам атмосфера ҳавосининг ифлосланишида ҳаракатланувчи манбалар асосий роль ўйнамоқда. Уларнинг улуши мамлакатимиз бўйича 65 фоиз, йirik шаҳарларда, жумладан, Тошкентда 95 фоиз атрофда эканлиги бунинг исботидир. Кишини мушоҳадага қорлайдиган яна бир жиҳат шундаки, транспорт воситаларида органик турдаги ёнилги ишлатилиши натижада тури ифлослантувчи моддалар, хусусан, иклим ўзгаришига олиб келадиган углерод икки оксиди ҳосил бўлади. Агар юртимизда автомобиллар сонининг муттасил кўпайиши, қатновлар ҳажмининг ўсиши, айниқса, логистика хизма-

тида автотранспорт улушининг ортининг инобатга оладиган бўлсаки, келгусида “темир тулпор”лар “чанги”нинг атроф-муҳитга салбий таъсири ошиши ҳам, табиий. Шундай экан, унинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш лозим?

Мутахассисларнинг фикрича, автотранспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсири камайтиришнинг биринчи шартини уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашдир. Айни пайтда шу мақсадда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалий чоралар кўрилувчи. Табиийки, бунда Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилаётти.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2006 йил 14 декабрда имзоланган “Самарқанд автомобиль заводига ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига му-

вофик, мамлакатимизга зарарли ташламалари юқори бўлган автомобилларнинг олиб кирилиши таъкидланган. Гап шундаки, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2007 йилнинг 1 мартдан “Евро — 2”, 2010 йилнинг 1 январидан эса “Евро — 3” экологик тоифаси талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситалари республика ҳудудига олиб кирилмайди. Бундан ташқари, Асака шаҳридаги “GM O'zbekiston” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энгил машиналарнинг экологик кўрсаткичлари

тубдан яхшиланмоқда. Бу ерда йилга янада янги автоуловлар ёнилгини тежаб сарфлаши, экологияга салбий таъсири камлиги боис ташқи бозорда ҳам тобора харидорлиқ бўлиб бораётти. — Автомобилларнинг ифлос-

сининг етакчи мутахассиси Умиджон Абдужалилов. — Масалан, газ ёнилгисига ўтказилса, ташланадиган зарарли моддалар миқдори 25-30 фоизга камайар экан. Шунинг учун бугунги кунда автомобиллари сиқилган табиий газ ва суолтирилган нефть газига ўтказиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир машинадан ташланадиган зарарли моддалар миқдори йилга 1,4 тоннага камайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги “Автомобиллари газ билан тўлдириб компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суолтирил-

Атмосфера мусоффолиги ҳақида ҳаммамиз, ҳар биримиз мунтазам қайғуришимиз керак. Ана шунда амалга оширилаётган ишлар янада самарали, атроф-муҳит покиза бўлиши, шубҳасиз.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

фармацевтика фаолиятига лицензияси бўлган ва ўрнатилган тартибда қайд этилган фирма ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ врачлик пунктларига марказлашган ҳолда дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар сотиб олиш учун 2010 йил 20 сентябрда ўтказиладиган очик тендер савдоларига тақлиф қилади.

Тендер тақлифларини тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги манзил бўйича юборишингиз сўралади:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдуҳалиқ Гиждувоний кўчаси, 7-уй, Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси. Тел.: (+99865) 223-11-08, 223-03-15. Факс: (99865) 223-23-08, 223-38-10. E-mail: bukhara@med.uz

Тендер иштирокчилари ишчи гуруҳга ўз тақлифлари билан конвертнинг ташқи бетига ташкилотнинг квалификация ҳужжатларини 2010 йил 10 сентябрга тақдим қилиши лозим.

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ САБОҚЛАРИ

Муқаддас Аҳмедова, Галина Низомова ва Рузана Гаррафутдиновани Жарқўрғонда спорт маликалари, деб аташади.

Галина Низомова олий маълумотли мутахассис. Ингирма бир йилдан буён тумандаги 28-умумтаълим мактабига жимнастик тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Болаларнинг гамхўр мураббийи ва спорт тарғиботчиси. Айниқса, маҳалла қизлари унинг тевара-ғида парвона бўлишганини кўрсангиз эди. Галина ёшлар билан ишлашдан вақтини аямайди. Ҳар бир шогирди спортнинг қайси

лар 30 нафарга етди. Мактабда спорт анжомлари етарли. Ота-оналар билан ҳамкорлик кўнгилдагидек. Кечагина оддий машқларни бахаришга юраги дов бермай турган шогирдлар энди ўзларининг мураккаб ҳаракатлари — маҳоратлари билан устозларини хушнуд эттишмоқда. Муқаддас Аҳмедова эса мактабдаги ёш бадий гимнастикачилар тўғраги устози. Муқаддаснинг шогирдлари энди анча илгарилаб кетишган: икки марта “Умид ниҳоллари” беллашувларининг республика

босқичида қатнашишди. Нилуфар, Ситора, Улдона исми хажжи қизлоқларнинг кўргазмалли қишлари талабчан ҳакамларнинг ҳам эътирофини қозонмоқда. Рузана Гаррафутдинова — ёш мураббий. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига унинг ҳам бадий гимнастикачилар гуруҳи бор. Машғулотларини мусиқа ва мусавирлик санъати билан уюштиришга боғлаб олиб боради. — Президентимизнинг “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида

банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳам спортга бўлган наватдаги катта гамхўрлик ифодаси, деб биламан, — дейди Рузана. — Айни пайтда бу ҳужжат зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Гимнастика бу — болалар учун спортнинг энг жозибабли, сеҳрли тури. Гўзаллик ва нафосат сабоғи. Бу сабоқдан уларни янада яхшироқ баҳраманд этиш учун бор билим-маҳоратимизни аямаймиз.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# «МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ»

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёшларнинг ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъий назар, пухта таълим олиши, миллий қадриятларимиз асосида тарбияланиши, ўз билими, истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

## Танлов

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида «Мафтункор ранглар дунёси» болалар бадий ижодий танловининг юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказилиши бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир далилидир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Sen Yo'lg'iz Emassal» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги ижодий кўрик-танловда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлган ўғил-қизлар иштирок этди.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ш. Саидов, Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси А. Абдусаломов мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий

тарбиячи-педагоглар, психологлар, ижтимоий хизмат мутахассисларининг меҳнатини эъозлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар, айниқса, эътиборга моликдир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар дунёси» бадий ижодий танлови қобилиятли болаларнинг қизиқиш ва интилишларини йўналтириб боришда алоҳида аҳамият касб этади.

Танлов доирасида иштирокчилар юртимизнинг етакчи олимлари, шифокорлари, психологлари қўриғидан ўтди, ўғил-қизларга зарур маслаҳатлар берилди, тиббий-даволаш муносабатлари ўтказилди. Ижодий бешлашув доирасида болалар учун санъат устозлари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Ёш мусавирлар Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари, майдонлар, маданият ва санъат қошоналари билан танишдилар.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

# ОБ-ҲАВО (21 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-21, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги “Жаҳон” ахборот агентлиги бош мутахассиси Олег Борисович ШАТУНОВСКИЙнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Назарий механика ва машина деталлари кафедраси доценти Абдуқалил ВАҲОБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси институт докторанти Гулнора Фанисева онаси МАВЛУДАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Абдужаббор ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўпмаъра тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов томонидан сақлаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бугаев. Навбатчи — З. Жонбеков. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббеов. 1 2 3 4 5